


I. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2687,0 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 34 604 кишига ёки 0,7 фоизга кўпайди. Шундан, 1735,6 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 64,6 фоизи) ва 951,4 минг киши – қишлоқ жойларида (35,4 фоизи) истиқомат қилади.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига ҳудудлар майдони ва аҳоли зичлиги



Вилоятнинг ҳудудий майдони 7444 кв.км.ни ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 кв.км.га ўртача 361 киши тўғри келади. Аҳоли зичлиги юқорилиги бўйича шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Наманган шаҳарда 1 кв.км.га ўртача 4114 киши, Наманган туманида 1 кв.км.га ўртача 837 киши ва Тўрақўрғон туманида 1 кв.км.га ўртача 789 киши тўғри келмоқда.

Аҳоли зичлиги паст бўлган туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Поп тумнида 1 кв.км.га ўртача 72 киши, Мингбулоқ туманида 1 кв.км.га ўртача 162 киши ва Чуст туманида 1 кв.км.га ўртача 271 киши тўғри келмоқда.

**Наманган вилояти ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**

	<i>Доимий аҳоли сони, минг киши</i>		
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан:</i>	
		<i>шаҳар</i>	<i>қишлоқ</i>
Вилоят бўйича:	2687,0	1735,6	951,4
шаҳарлар:			
Наманган	597,4	597,4	-
туманлар:			
Мингбулоқ	120,1	41,7	78,4
Косонсой	198,7	120,4	78,3
Наманган	170,0	50,4	119,6
Норин	156,8	72,1	84,7
Поп	210,4	120,8	89,6
Тўрақўрғон	215,2	122,5	92,7
Уйчи	202,5	98,8	103,7
Учқўрғон	164,6	70,6	94,0
Чортоқ	189,8	126,9	62,9
Чуст	253,8	170,2	83,6

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ
Янгиқўрғон	207,7	143,8	63,9


Аҳолининг табиий ҳаракати
(январь-сентябрь ойларида)

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2016 й.	2017 й. ¹⁾
Туғилганлар	46 582	45 065	322	23,7	22,6
Ўлганлар	8 796	9 497	758	4,5	4,8
Табиий ўсиш	440	657	217	0,1	0,1
Никоҳлар	37 786	35 568	-797	19,2	17,8
Ажралишлар	13 184	15 527	696	6,7	7,8

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти

2017 йилнинг январь–сентябрь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)

¹⁾ дастлабки маълумот



Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-сентябрда туғилганлар сони 45 065 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (46 582 киши) нисбатан 1517 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 22,6 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (23,7 промилле) нисбатан 1,1 промиллега камайди.


Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Наманган (24,8 дан 24,6 промиллега) ва Уйчи (24,8 дан 23,6 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-сентябрида ўлганлар сони 9 497 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (8796 киши) нисбатан 701 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,8 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-сентябрида – 4,5 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Поп (4,8 дан 4,1 промиллега), Тўрақўрғон (4,6 дан 4,3 промиллега), Учқўрғон (5,2 дан 4,7 промиллега), Чуст (4,5 дан 4,0 промиллега) ва Янгиқўрғон (4,7 дан 4,0 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 50,7 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 7,3 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан 5,6 фоизи - бахтсиз ҳодиса захарланиш ва жароҳатлардан вафот этганлар ҳисобига тўғри келди.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши (2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига, фоизда)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрида бир ёшга тўлмаган 657 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 0,1 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-сентябрида 0,1 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 34,3 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 34,0 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан ва 17,0 фоизи – туғма аномалиялар билан касалланганлиги сабабли вафот этганлар ҳисобига тўғри келган..

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-сентябрида ФХДЁ органларида 15527 та никоҳлар ва 1827 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,8 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 6,7 та) ва 0,9 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 0,8 та) тўғри келади.

2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

(бирлик)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2016й.	2017й.	2016й.	2017й.
Вилоят бўйича:	13 184	15 527	1 649	1 827

шаҳарлар:

Наманган	2 597	3 828	382	450
----------	-------	-------	-----	-----

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2016й.	2017й.	2016й.	2017й.

туманлар:

Мингбулоқ	662	615	66	68
Косонсой	871	1 053	151	134
Наманган	1 116	923	122	126
Норин	810	931	107	116
Поп	1 126	1 277	169	138
Тўрақўрғон	1 167	1 350	123	132
Уйчи	1 090	1 192	127	126
Учқўрғон	814	940	98	131
Чортоқ	785	855	87	97
Чуст	1 285	1 459	142	175
Янгиқўрғон	861	1 104	75	134

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2 908 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 3 872 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 964 кишига (2016 йилнинг шу даврида - манфий 639 киши) тенг бўлди.

Энг катта манфий қолдиқлар Наманган шаҳрида (манфий 849), Мингбулоқ (манфий 159), Норин (манфий 121), Чуст (манфий 190) туманларида кузатилди.

Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-октябрга нисбатан 100,9 фоизга кўпайиб, 1547,3 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,6 фоизини ташкил қилди.


2017 йил январь-сентябрь ойларида бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 22410 нафар фуқаро мурожаат қилди.

Иш кидириб мурожаат этганлар Наманган шаҳрида (3474 кишига), Чуст (1867 кишига) Наманган (1840 кишига), Тўрақўрғон (1709 кишига) ва Учқўрғон (2099 кишига) туманларида кўп.

2017 йил январь-сентябрь ойларида бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 21391 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Наманган (3400 киши) шаҳрида, Чуст (1749 киши), Наманган (1710 киши) ва Норин (1808 киши) туманларида юқори даража қайд этди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 3077 нафари ишсиз деб эътироф этилди.

Жами бандларнинг таркиби
(умумий хажмга нисбатан, фоизда)



2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 1081,8 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 40,3 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 1022,0 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 фоизга ошишига эришилди.